

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ЖУРНАЛИСТИКА
ФАКУЛТЕТИ**

КУРС ИШИ

МАВЗУ:НУТҚ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Бажарди: Эркинова Н

«ТОШКЕНТ-2014 й»

РЕЖА:

- 1. Нутқнинг оғзаки ва ёзма шакллари, уларнинг хусусиятлари.**
- 2. Нутқнинг услубий турлари.**
- 3. Нутқнинг асосий хусусиятлари.**
- 4. Хулоса**
- 5. Фойдаланган адабиётлар**

Нутқ тилдаги мавжуд ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда мавжудликка (ҳақиқатга) айланган фикрдир. Нутқ, нутқ аъзоларининг ҳаракати жараёнида пайдо бўлади. Рухий ҳодисабўлган тилнинг ифода воситалари нутқ ихтиёрига ўтгач, ҳақиқатга айланади. Демак, нутқнутқ фаолиятининг маҳсулотидан, маълум шаклга киришишдан иборат.

Нутқ икки ҳилбўлади: ички нутқ ва ташқинутқ .

Нутқ киши онгида ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Бунда ҳали реаллашмаган тил унсурларидан ташқил топади. Бу ички нутқдир. Кишиларнинг оғиз очмасдан фикрлаши, мунозара юритиши, уйлаши ички нутқка мисол бўлади.

Упкадан чиқаётган хавонинг нутқ органларига таъсири, шу таъсир натижасида уларнинг ҳаракати билан аниқ товушлар сифатида юзага келадиган нутқташқинутқдир. Нутқҳаракатдаги тилдир. Нутқ тилга тегишли нарсаларни маълум вақтбўлагида бир бирига қўшади, ҳаракатга келтиради. Нутқ

сўз шакллари,

эркин бирикмалар,

сўз тартиби

ва гаплардан ташқилтопади.

Нутқ жараёни тугаб, фикр тингловчига етиб боргач, нутқҳам тугайди. Демак, сўз шакллари, эркин сўз бирикмалари, сўз тартиби, гапнинг турли кўринишларинутқникидир. Тилдаги ифода воситалари чегараланган бўлишига қарамасдан нутқ чексиздир. Тил воситалари нутқ ихтиёрига ўтгач, улардан чексиз миқдорда гаплар тузиш мумкин. Нутқ жамоадаги ёлғиз киши томонидан яратилади ва алоҳида шахс ва кишиларга қаратилганбўлади. Демак, нутқ ижтимоий ҳодисадир. У жамоадаги кишиларни бирлаштириш,

маълум мақсад сари йуналтириш имкониятига эга. Жамият тараккиётида нутқ белгиловчи ўрин тутади.

Нутқ фаолияти.

Инсоннинг нутқий фаолияти 3 кўринишда амал қилади. Булар сўзлаш, мутолаа ва эшитиш. Сўзлаш дейилганда сўзловчининг маълумот, маслаҳат бериши, буюриши, ўзига номаълум нарсалар ҳақидасўраши англашилади. Сўзлаганда сўзловчининг билими, маданияти, ахлоки, одоби юзага чиқади.

Сўзлаш монологик ва диалогик кўринишда бўлиши мумкин. Монологик нутқда бир кишининг мулохазалари қарши саволларсиз ва жавобларсиз юзага чиқади, суҳбатдоши томонидан бўлинмайди. Диалогик нутқда мулоқотқилувчи шахслар навбат билан гоҳ тингловчи, гоҳсўзловчи бўлиб туради.

Мутолаа ўқувчининг ёзма нутқ орқали асар муаллифи, образлари билан мулоқотидир. Мутолаа тўғрисида ўқувчи ёзма нутқда акс этган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлади, улар таъсирида ҳулкидақандайдир ўзгариш пайдо бўлади. Мутолаа маълумот олишнинг энг муҳим ўлидир. Китоб ўқиш орқали киши маънавий етукликка эриша боради.

Мутолаа оддий ўқиш, илмий ўқишдан иборат. Оддий ўқиганда ўқувчи учун ёзма нутқ мазмуни билан танишувнинг ўзимақсадқилибқўйилади.

Илмий ўқишда ўқувчи асарни таҳлилқилишни, ундан бошқамақсад учун фойдаланишни, унинг мазмунини қайта баён қилиш кабиларни мақсадқилибқўяди.

Нутқнинг оғзаки ва ёзма шакллари.

Маълумки, нутқоғзаки ва ёзма шаклларга эга. Оғзакинутқсўзловчи гапириб турган вақт бирлигидагина мавжуд бўлиб, бу жараён тугаши билан нутқхам тугайди. Аммо нутқ таъсирида уйғонган хаяжон, берилган ахборот

маълум вақтгача тингловчи онгида сақланиши, унинг хулкига таъсир этиши мумкин.

Оғзакинутқ хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатсабўлади:

1. Оғзакинутқ тезқорлик билан амалга ошади. Тушунчалар билан “унинг либоси” бўлгансўз биргаликда “яшин тезлигида” тилга кела бошлайди. Баъзан тушунчани ифдаловчи сўзни ўша тезликда сўзловчи топа олмай қолади. Унга яқин ёки ўйланган тушунчани ифодалай олмайдиган сўзларни ишлатиб юборади. Бундан тингловчи ҳам , сўзловчи ҳам зарар кўради.

2. Оғзакинутқда сўз бирикмалари ва гапларнинг моделлари айтилмоқчи бўлган фикрга монанд ҳолда тезқорлик билан танланади. Гап қурилишини, моделларини ақл назорат қилиб боради. Фикрни айтилганларни хотирада ушлаб турган ҳолда ривожлантиришга тўғри келади. Агар хотира озгина “дангасалик ” қилса, гап тузилиши, сўз бирикмалари ўзаро мантиқан ва грамматик боғланмай қолади. Чунки янгиқисмаввалгиқисмунутилгани учун у билан мослаша олмайди.

Масалан: “Устоз, сизни... халқ олдида қилган улкан хизматларингиздан биз миннатдормиз”. Мисолда сўзловчи нутқининг “Устоз, сизни “ қисмини айтгандан сўнг уни қандай ривожлантириш устида қилган мулоҳазаси жараёнида аввалги қисмни, аввал уйлаган моделини унутиб қўйган. Шу сабабли тушум келишигида келган сўз кейинги қисмлар билан грамматик ва мантиқан боғламай қолган.

3. Оғзакинутқтаҳрир имкониятидан маҳрум. У қандай шаклда борлиққа келган бўлса, шундайлигича тингловчига тақдимқилинади.

4. Оғзакинутқда, одатда, мулоқот учун энг зарур нарсаларгина зухур этилади. Бу бир томондан вақтиқтисоди билан, иккинчидан, нутқ кучини

тежаш билан боғлиқ. Шунга кура, унда узундан узок кириш, кенг изохлар кам учрайди.

Аксинча, ходисаларнинг, нарсаларнинг ўзаро боғлиқлик даражалари, уларнинг тингловчи ва сўзловчига равшанлиги даражаси ҳисобга олинади. Факат зарурият ҳис этилгандигина аввалдан маълум нарсаларга изох берилади.

5. Оғзакинутқсўз бойлиги жихатидан ёзма нутқка нисбатан анча камбағал бўлади, унда бир ҳилсўзлар, бир қадаркўпроқ такрорланади. Бу хол тил воситаларини танлаш қийинчиликлари билан боғлиқдир.

6. Оғзакинутқда сўзловчининг фаол нутқий ҳаракати тухтам, оханг, урғу, турли ҳил имо-ишоралар фикрнинг тингловчига етиб боришида аҳамият касб этади.

Ёзма нутқоғзакинутқдан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради: нутқни ёзаётганда муаллиф вақт жихатидан бемалол фикрлаш имкониятига эга бўлади. У ўз нутқи қисмларини ва бутун нутқни қайта-қайтатаҳрирқилиши, фикр учун энг мос имкониятларни танлаш, гап тузилишини қулайтириши мумкин.

Кишиларнинг нутқий фаолияти монолог, диалог, полилог курунишида амалга ошади.

Монолог. Монолог сўзловчининг ўзига ёки тингловчиларга қаратилганнутқидир. Монологик нутқда сўзловчи ўзига маълум бўлганвоқеа-ходисалар,ўзички кечинмалари ҳақида маълумот беради. Монологик нутқ тингловчиларни суҳбатга фаол аралашувга ундамайди: уларда айтилганларга жавоб талаб қилинмайди. Синтактик жихатдан монологик нутқ мураккаб тузилганбўлиб, кенг қамровлидир. Монологик нутқўзхусусиятларига қараб бир неча кўрунишдабўлиши мумкин: ички ва ташқи монолог: ташқи

монологнинг драматик монолог, лирик монолог, хабар монологи каби турлари бор.

Ички монолог бадий адабиётда қўлланувчи услубий усуллардан биридир. Бу усул юз берган аниқвоқеаларни, уларнинг таъсирида қаҳрамон ички кечинмаларида пайдо бўлган фикрлар сифатида баён этиш имкониятини беради. Ички монолог сўзловчининг ички нутқидир.

Ташқи монологнинг турлари ҳақида.

Ташқи монолог сўзловчининг ташқинутқидир. Унда тил имкониятлари ҳақиқатга айланади. Сўзловчининг нутқ мазмунини етказишга қўмаклашувчи турли ҳилҳаракатлари ёрдамида баён этиладиган монологи драматик монолог дейилади. Драматик монолог сўзлаётган шахснинг қўли, гавдаси, қоши, боши, кифти каби аъзолари зарурият туғилганда ҳаракатқилади.

Турли тарздаги маъноли ҳаракатлар фикрнинг тингловчи томонидан яхши тушуниб олинишига қўмаклашади. Сўзловчининг ички ҳис-туйғуларини, руҳий кечинмаларини ифодаловчи ташқи монологик нутқ**лирик монолог** дейилади. Лирик монологда шахснинг орзу-умидлари, ташқи дунёдан олган таассуротлари, келажак режалари акс этади.

....сочларим менинг қоп-қорадур. Шундай қорадурки, қоронгу кечаларнинг қора дostonлари менинг сочимдан урилган, шу қора сочларим меники бўлиш билан қора кунга қолган. Буларнинг ток новдаларидек ранго-ранг ёпинчлари йукдир.

Сўзловчининг руй берган ҳодисалар ҳақида хикоя қилиб бериши **хабар монологи** дейилади.

Хабар монологда воқелик ровий тилидан баён этилади. Хабар монологи хикоячилик, кассачиликда кўпроққўлланилади.

Диалог. Диалог нутқ шаклларида бири бўлиб, унда ҳар бир фикр тўғридан-тўғрисуҳбатдошга қаратилганбўлади. Диалогик нутқнинг

синтактик қурилиши монологик нутққа караганда содда тузилади. Диалог фикрларнинг қискалиги билан ажралиб туради. Унда суҳбатни давом эттириш учун энг зарур нарсаларгина ифодаланади. Воқеалар кенг изоҳланмайди. Шу жихатдан ҳам диалог монологга ўхшамайди. Диалог, сўрок, буйруқ ва дарак гаплардан ташқил топади.

Полилог. Иккидан ортиқ иштирокчиларнинг нутқидан тузилган суҳбат **полилогдир**. Полилог ҳамма тил хусусиятлари жихатидан диалогнинг ўзидир. Фақат унда суҳбатдошларнинг сони кўпроқ бўлади. Сўзловчи уртага ташланган муоммога бирдан ортиқ иштирокчи ўз фикрларини билдириши мумкин.

Нутқнинг услубий турлари.

Тил бойликларидан ҳар ким ўзича фойдаланиб сўзлайди. Бир тур сўзлар ва тилга тегишли бошқа белгилар бир нутқда кўпроқ ишлатилгани ҳолда бошқа нутқда учрамайди. Бошқа бир нутқ ўзининг сўз бойлиги ва гапларнинг қурилиши, оҳанги билан учинчи бир нутқдан ажралиб туради. Тил бойликларини танлаб ишлатишга қараб нутқ кўринишлари бир неча турга ажралади. Ана шу ҳилма ҳиллик нутқ услублари деб аталади. Нутқ услублари алоқанинг мақсадига мувофиқ амалга ошуви йўлида сўзловчининг тил бойликларидан танлаб фойдаланиши туфайли нутқнинг тарихан шаклланган қурилишидир.

Қуйидаги мисоллар орқали нутқ услубларини тасаввур қилса бўлади:

“..2-модда . ҳар бир инсон , ҳар қандай тафовутларидан қатъий назар , яъни ирки, терисининг ранги , жинси, тили, дини, сиёсий ёки узга эътиқодлари, моддий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ, табақавӣ ёки бошқа маъкеига қарамасдан ,ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёхуд ҳудуднинг сиёсий, ҳуқуқӣ ёки халқаро статусига эга эканлиги асосида бу ҳудуд мустақил, восӣликдаги, уз-ўзини идора

килмайдиган ёхуд сувернитети кайсидир жихатларидан чеклаб куйилганидан катъий назар , бирон бир даражада одам ажратилишига йўл куймаслиги керак.”“Жонгинам, ахир сизга не гуноҳ килдимки, менга бунча ситамлар киласиз? Кеча айтган жойингизга бориб, кош қорайгунча кутдим, келмадингиз. Кутгандан ёмони булмас экан.”

“Систем тилшунослигида гапнинг синтактик структура унсурлари гап булақлари ёки синтактик позиция нуктаи назаридан, пропозитив структура услублари эса объектив реаллик структурасига изоморфлик нуктаи назаридан , коммуникатив (актуал) структура тема (маълум) ва рематик (янги) нуктаи назардан урганилади.”Бу нутқ парчаларининг ҳар бир грамматик қурилиши, лексикаси, оҳанги жихатидан бир-биридан кескин ажралиб туради. Бирида расмий нутққа хос лексика асосий уринни эгаллайди.

Услубшуносликка бағишланган асарларда нутқнинг қуйидаги услублари курсатилади.:

1. Сўзлашув услуби.
2. Расмий услуб.
3. Илмий услуб.
4. Публицистик услуб.
5. Бадиий услуб.

Ҳар бир услуб ўзига хос система бўлиб, бошқа услублардан қўпгина белгилари билан ажралиб туради.

Сўзлашув услуби.

Бууслубўзлексикаси, фонетикаси, морфологияси ва синтаксиси билан халқнинг оддий сўзлашув тилини ўзида акс эттиради. Сўзлашув услуби учун оддийлик, соддалик, бетаккалуфлик, хаяжонлик ҳосдир. Халқ орасида кенг тарқалган “кош қорайгунча,” “уччига чиккан ” каби фразеологизмлардан:

она , ош, туз, ер, бола, кун, жура, омон, огайни, жонгинам, окшом, эрта-матан каби сўзлардан: - увди (борувди),-чийди (укичи-чийди), -ийди (борийди, зурийди), -чи (мошиначи,) - кира(сиркирамоқ, окаринкирамоқ) каби ясовчилардан, гапнинг диалогик, туликсиз, бир таркибли, сўз-гап каби шаклларида фойдаланиш сўзлашув услубида бир қадар кўпроқ учрайди.

Расмий услуб.

Бу услуб расмий ҳужжатлар тил хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Эълонлар, қарорлар, суд ва давлат идоралари ҳужжатлари шу услубда ёзилади. Расмий услуб ҳаётда жуда кенг қўлланилади. Шунинг учун унинг лугати ранг - баранг сўзларидан ташқил топади. Масалан:

Эълон!

Бугун кеч соат саккизда маҳалла хотин-қизлари кенгашининг навбатдан ташқари йигилиши бўлади.

Кун тартиби:

Усмон Абровнинг оиладаги ҳулки ва маҳалла эркакларининг галдаги вазифалари.

Барча кенгаш аъзоларини катнашишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг фармони.

Руза хайитини дам олиш куни деб эълон қилиниши тўғрисида.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси мусулмонларининг истак ва хоҳишларини инобатга олиб ҳамда фуқаролар уртасида меҳр-окибатни барқарорлаштириш мақсадида диний байрам-Руза хайит (“Ийд ал-фитр”)ни бу йил 4 апрель куни дам олиш куни деб тайинлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.

2002 йил 27 март.

Илмий услуб. Илмий услуб фаннинг турли соҳаларига алоқадор сўз ва атамаларни кўпроқ тасарруф қилиш, баённинг кўпроқмантикий далилларига суяниш билан бошқа услублардан ажралиб туради.

Илмий услубда табиат ва жамият ҳодисалари аниқ, қандайдир коидалар, формулалар асосида ифодаланади. Илмий баёнда фикр мантикий ва ашёвий далиллар билан мустаҳкамланиб боради. Илмий услубда туликсиз гаплар, бир таркибли гаплар сўз-гаплар деярли учрамайди. Сўзлашувнинг қисқа диалог тури ҳам илмий услубда ёзилган асарлар учун бегонадир.

Илмий услубнинг илмий ва илмий - оммабоп кўринишлари бор. Илмий оммабоп баён ўзининг лексик таркиби ва синтаксиси билан халқ оmmasига мулжалланган бўлади. Бундай нутқда фаннинг махсус соҳаларига алоқадор атамалар камроқ ишлатилади, тилга олинганларига изоҳлар бериб борилади.

“Ҳозирги давр фонетикасида икки асосий усул мавжуд: субъектив ва объектив усули. Субъектив усул талаффузни бевосита (қуриш ва эшитиш) кузатишдан иборат. Бу энг қадимий ва доимо қўллаш мумкин бўлган усулдир...

Техник аппаратура ёрдамида яъни объектив усуллар ёрдамида аниқланувчи артикуляцион-акустик хусусиятлар экспериментал-фонетик текшириш ёки нутқни инструментал тасниф этиш деб юритилади.”

“Жисмнинг ҳаракати тулик такрорланадиган энг кичик вақт оралиги тебранишлар даври дейилади. Даврни циклик частота орқали қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$T=2''$$

Публицистик услуб. Даврнинг ижтимоий-сиёсий долзарб масалаларини жушқинлик билан акс эттириш публицистик услубга хосдир.

Тарихий ёки бошқа ҳар ҳил далилларни нутққа киритиб, мантиқий умумлашмалар чиқариш ёки бу ишни тингловчига ҳавола этиш, фoш этилган шахс ёки ҳодисалар устидан киноя, кесатик, пичинг ҳамда кочириклар қилиш, риторик, сурок гаплардан фойдаланиш публицистик нутқни жонли, таъсирчан, хаяжонли қилади. Шунини айтиш керакки, ҳар бир публицистик нутқ албатта шулардангина иборат бўлади, деган гап эмас. Публицистик нутқда муаллиф воқеликка нисбатан фаол муносабатда бўлади.

Унинг ҳаётга, воқеликка бўлган бундай муносабати далилларни танлашда, уларни таҳлилқилишда, тилнинг эмоционал - экспрессив воситаларини тасаррув этишда куринади. Публицистик нутқда образлиликка катта эътибор берилади. Тилнинг тасвирий воситаларидан кенг фойдаланилади. Тил воситаларини танлаш мантиқийлик ва эмоционаллик талабига қараб амалга ошади. Публицистик нутққа мисол сифатида А. Кодирийнинг 1920-1936 йилларда ёзилган “Хой, ер ютгур...” “Муштум” “Оксокланган эмиш” каби Ҳамид Олимжоннинг Ватан уруши йилларида босилган “Мен Ўзбек халқи номидан сўзлайман!”, “Кайтиш”, “Дустлигимиз ҳақида” каби асарларини кўрсатиш мумкин.

Бадиий услуб.

Бадиий услуб нутқнинг бошқа услубларидан дастлаб ўзининг образлилиги ва эстетик таъсир этиш вазифаси билан ажралиб туради. Бадиий нутқда тил лексикасининг ҳамма катламлари иштирок этади. Чунки юқорида зикр этилган услублар ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу соҳасини фойдаласа, бадиий услуб инсон фаолиятининг барча қирраларини ўзида акс эттиради, ҳаммага тааллуқли бўлади. Унда турли касб-қор, фан-техника, халқнинг маиший ҳаётига тегишли ранг-баранг сўзлар қўлланилади. Бу услубда тил

воситалари образлар ва манзаралар яратади, кишиларга эстетик озик бериш учун хизмат қилади.

Бадиий услуб учун шахсий образли сўз ишлатиш характерлидир. Хар бир муаллиф ўзига хос сўз ишлатиш усулларида фойдаланади. Бу билан ўзига хосликка асарнинг укимишли бўлишини таъминлашга интилади. Бадиий нутқҳамма нарсанинг янги , охори тукилмаган , бошқалар ишлатмаган бўлишлигини хохлайди. Шу туфайли шоир ва адиблар ҳаммага маълум тил воситаларидан ўзигагина хос усулда фойдаланишга ҳаракатқиладилар. Шахсий образлилик публицистик услубга ҳам хосдир. Образлилик сўзлашув услубида ҳамбўлади. Лекин улар купчилик томонидан куп мартаба ишлатилган, “котиб қолган”, “колиплашган” ҳолда амал қилган бадиий услубда образлилик янги, ширадор бўлади. Чунончи, Уйгуннинг сўзқўллашдаги ўзига хослиги бадиий воситаларнинг янгилиги, “охори тукилмаганлиги” куйидаги парчада шундок куруниб туради.

Кумуш чойшаб ёпиб далалар,

Қор куйнида ухлаб ётади.

Уфқларга кизил хол ташлаб,

Зар соч ёзиб куёш ботади.

Гох булутлар кукда ястаниб,

Ерга ок япроқлар қўяди.

Изгиринлар уйнаб -кувнашиб,

Япроқларни кучиб суяди.

Гох узокдан ок-зар куйлакда,

Куринади тоғлар тепалар.

Нутқнинг асосий хусусиятлари.

1. Маданий нутқнинг хусусиятлари.
2. Укитувчи нутқининг тўғрилиги.
3. Укитувчи нутқининг софлиги.

4. Укитувчи нутқининг аниқлиги.
5. Укитувчи нутқининг мантиқийлиги.
6. Укитувчи нутқининг ифодалилиги.
7. Укитувчи нутқининг бойлиги.
8. Укитувчи нутқининг уринлилиги.

Нутқ, олдинги саҳифаларда таъкидланганидек, сўзловчи ёки ёзувчи томонидан шакллантирилган матннинг ташқи қуриниши бўлиб, у факатгина лисоний ҳодиса саналмасдан, балки ҳам руҳият, ҳам нафосат ҳодисаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам яхши нутқ дейилганда айтилмоқчи бўлганмақсаднинг тингловчи ва китобхонга тулик бориб етиши, уларга маълум таъсир утказиши назарда тутилади. Шунга кура нутқ олдиға маълум талаблар қўйилади. Бу талаблар нутқнинг мантиқ жихатдан тўғри, аниқ, чиройли, ёркин, мақсадға мувофик бўлишидир. Бу белгилар нутқнинг асосий сифатлари, хусусиятлари деб каралади.

Римликлар кадимги даврлардаёқ яхши намунавий нутқнинг коидаларини ишлаб чикканлар. Масалан, Цицероннинг фикрича, аниқлик ва тозалик нутқ учун шунчалик зарурки, уларни асослаб утиришнинг ҳам зарурияти йук. Аммо нотик тингловчиларни ўзига жалб қилиши учун нутқ жозибадор бўлишиҳам керак. Нотик Дионис Галикарнас эса нутқда мақсадға мувофикликни муҳим деб ҳисоблаган.

Хуллас, кадимги рим нотиклик санъати назариётчилари асосий эътиборни нутқнинг хар томонлама яхши бўлишиға каратганлар.

Таъкидлаш керакки, нутқ маълум шарт-шароитларда амалға оширилади. Бунда жой, вақт, мавзу ва алоқа жараёнининг мақсади каби омиллар ҳам аҳамиятлидир. Шундай қилиб, нутқнинг алоқавий (коммуникатив) сифати деганда қуйидаги ҳолатларни назарда тутиш лозим бўлади: нутқнинг тўғрилиги, тозаллиги, аниқлиги, мантиқийлиги, таъсирчанлиги, образлилиги, тушунарлиги ва мақсадға мувофиклиги

тушунилади. Куйида нутқнинг ана шу сифатларига алохида-алохида тухталамиз.

Нутқнинг тўғрилиги

Нутқнинг тўғрибўлиши - бу унинг бош алокавий сифати саналади. Нутқнинг тўғритузилганбўлиши томонларнинг - сўзловчи ва тингловчининг, ёзувчи ва ўқувчининг бир-бирларини тез ва осон тушунишларини таъминлайди. Агар нутқтўғри булмаса, у аниқҳам, мақсадга мувофик ҳам, мантикий ҳам булмайди. “Тўғрилик деганда, - деб ёзади В.Г.Костомаров, - нутқ маданиятининг зарур ва биринчи шарти сифатида адабий тилнинг маълум пайтда қабул қилинган нормасига катъий ва аниқ мувофик келишини, унинг талаффуз, имловий, лугат ва грамматик нормаларини эгаллашни тушуниш лозим бўлади”.

Демак, нутқнинг тўғрибўлиши, энг аввало, унинг адабий тил нормаларига мувофик келишидир. Нутқнинг тўғрибўлиши асосан икки нормага - ургу ва грамматик нормага каттик амал қилишни такозо қилади.

Сўзлардаги айрим бугинларининг зарб билан айтилиши, талаффуз қилиниши, яъни ургу ҳамда тилларда ҳам бир ҳил хусусиятга эга эмас. Масалан, рус тилида ургу сўзлардаги ҳар ҳил бугинларга тушиши, эркин бўлиши мумкин бўлгани ҳолда, Ўзбек тилида у, асосан, сўзнинг охирги бугинига тўшади. Сўзларга кушимчалар кушила бориши билан ургунинг урни ҳам узгариб бораверади. Масалан: мактаб – мактаби – мактабимиз – мактабимизда – мактабимиздаги - мактабимиздагилардан каби. Демак, талаффузда ана шу нормани сақлаш лозим бўлади. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчида сўзлардаги ургунинг кучиши билан маънонинг ҳам баъзан узгариб кетиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Ўзбек тилида шундай ҳодисани кузатиш мумкин. Масалан: олма сўзини олайлик. Бу сўзни алохида ургусиз олиб караганда, унинг қандай маънода қўлланаётганини аниқлаш қийин. Факат ургу ундаги маънонинг

аниқлашга кўмаклашади, яъни олма тарзида ургу биринчи бугинга тушганда ҳаракат, олма каби охирги бугинга тушганда эса меванинг бир тури маъноси англашилади.

Тилимизда бундай сўзлар анчагина. Катлама-катлама, ҳозир - ҳозир, йигитча - йигитча, ўқувчимиз - ўқувчимиз, янги-янги сўзларининг маъноси ҳам факатгина ургу ёрдамида ойдинлашади. Уларни, яъни ургуни каерга куйишни фарклмаслик сўз маъноларининг бўзилишига бинобарин, сўзлашув нутқида адабий-норманинг бўзилишига олиб келади. Сўзлар талаффузидаги бундай нонормал ҳолатларга, айникса, маданият ва маориф ходимларининг йўл куйишларини асло кечириб булмайди. Гапдаги айрим олинган сўзга тўшадиган ургу, яъни мантиқий (логик) ургунинг ҳам маънони фаркларда хизмати катта. Ҳамма тилларда ҳам қайси маъно алоҳида назарда тутилаётган бўлса, шу маънони ифода этаётган сўз алоҳида ургу билан талаффуз қилинади. Масалан, мен китоб уқидим гапида ким, нима ўқиганлиги ёки нима иш қилинганлигини назарга олиниб, бу гапдаги сўзларнинг ҳам учаласидан бирига ургу тўша олади.

Мен китоб уқидим.

Мен китоб уқидим.

Мен китоб уқидим.

(Томоша қилганим йук маъносидан) Бундай уринларда мантиқий ургу маънони таъкидлаш учун керак. Грамматика деганда энг аввало нутққурилишининг грамматик шакллари, тартибни, тўғри тўзиш ва уларнинг нутқда ишлатилишини ўзичига олувчи, қатъий қарор топган системаси тушунилади. Бу системага адабий тилда гапирувчилар, айникса, ёзма нутқ ва матбуот учун мажбурий саналган грамматик нормалар киради. “Грамматика нутқ оқимидаги сўзларнинг ўзгариши ва улардаги бирикувининг ҳилма-ҳил қоидалари йигиндисидир”.

Факат грамматик коидаларга риоя қилишгина нутққа катъий маъноли ва мантиқий изчил характер бериш имконини яратади. Чунки сўз уз-ўзича ҳамма имкониятларини оча олмайди. У факат бошқа сўзлар билан бириккандагина, ҳар сафар (курганимиздек) янги маъно касб этиб, фикр ва ҳиссиётларнинг нозик кирраларини ифодалаб, тулик ва ҳар тарафлама яшайди.

Хуллас, грамматик нормаларга риоя қилиш деганда, гап тўзиш коидаларидан тўғри фойдаланиш ўзак ва кўшимчалар уртасидаги боғланишнинг табиийлиги, эга - кесим мослиги, иккинчи даражали булақларининг уларга боғланиш қонуниятлари кабиларини эътиборга олиш лозим бўлади. Тилимизда морфологик, синтетик чалкашликлар тез-тез учраб туради. Купчилик ҳолатларда келишик қушимчалари фарклмасдан ишлатилади. Бу эса баъзан мазмунда ҳатоликка олиб бориши мумкин. Умрини тоғларда утказган одамнинг табиат тилини билмайди, дейиш қийин. (“Кишлоқ ҳақиқати”) унинг ҳаёлини яна директорнинг хотини булди. (Шухрат). Ўзбек тили бойликларининг мохир билимдони А. Каххор ҳам қараткич ва тушум келишигининг баъзан фаркламай ишлатиш ҳолатидан ўзининг “Санъатқор” ҳикоясида асар қаҳрамонининг саводсизлигини фош этишда усталик билан фойдаланади:

Пожарний “Гугуртни ерга ташламанг” деди, режиссёримиз эса “гугуртни ерга ташламанг” деди. Қандай чиройли! Куплик тушумчаси - ларни қўллашда ҳам чалкашликлар сезилади. Масалан: Ветеран уқитувчининг юзлаб шогирди ҳозирги кунда турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, мураббийга обрӯ-эътибор келтирмоқдалар (“Шарк тонги”). Киёс: Шогирди ... обрӯ-эътибор келтирмоқдалар (? !) А. Каххор ёзиш у ёқда турсин, бундай ҳолда ҳатто бировга дастхат ҳам бермас эдилар. Умуман, ёзувчилик улар учун ниҳоятда муқаддас иш эди. (Ўзбекистон адабиёти ва санъати) синонимик ҳолатда бўлган аффиксларнинг бири урнида

иккинчисини қўллаш ҳамҳамма вақт муваффақиятли чиқавермайди. Масалан, - дан урнида - ликни қўллаш.

Аниқлик ҳамнутқнинг асосий алокавий сифатларидан бўлиб, яхши нутқнинг шаклланиш шартларидан биридир. Агар тўғринутқнинг юзага келишида факат лисоний фактор зарурий белги сифатида каралса, нутқнинг аниқлиги дейилганда унинг шаклланишига хизмат қилувчи, тилдан ташкарида бўлган ҳолатларни ҳам назарда тутиш лозим бўлади. Бу энг аввало, тил ва тафаккур диалектикасидир. Чунки, аниқлик дейилганда табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар билан уларнинг нутқдаги атамаси бўлган материали уртасидаги мутаносиблик тушунилади. Шундан келиб чикиб Б.Н.Головин ёзади: “Аниқликни нутқ - вокелик” ва “нутқ - тафаккур” муносабати асосида белгилаш мумкин.

Табиат ва жамиятдаги турли воқеа-ҳодисалар, нарсалар, оламнинг жугрофий тузилиши кишиларнинг ҳис-туйғулари, ҳаракат ва ҳолатлари ҳар бир тилда ўзининг лисоний ифодасига эга.

Ана шу лисоний ифода ёрдамида бу ҳодисалар инсон томонидан англанади, тушунилади, идрок қилинади ва фикр алмашинади. Шунинг учун ҳамнутқ олдида у аниқбўлиши керак деб талаб қуйилганида лисоний бирлик ҳамда у ифодалаётган табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар уртасидаги аниқ мувоффиқлик тушунилади: “... Агар инсон тафаккурини энг юксак ютуқлари, энг чуқур билимлари сўзда аниқ ва очик-ойдин ифодаланмаган бўлса, улар барибир одамларга номаълум бўлиб қолаверади. Бизнинг вазифамиз айтадиган фикримизнинг бошқалар томонидан қабул қилинишига эришишдан иборатдир. Қабул қилиш эса куп жихатдан бизнинг ўзнутқимизни қандай ифода қилишимизга боғлиқдир”.

Демак, аниқлик - бу сўзнинг ўзи ифодалаётган вокеликка мутлақо мос ва мувофиқ келишидир. “Аниқликни бошқача тушуниш ҳам мумкин, - дейди Б.Н.Головин, бу сўз ва унинг купчилик томонидан қабул қилинган маъноси

хамда унинг нутқдаги қўлланиши билан мувофик келишидир”. Куринадики, аниқлик нутқнинг хусусияти сифатида энг аввало тил системасидаги лугавий даража билан боғланади. Бошқача қилиб айтганда, нутқаниқлиги термини остида вокелик ва унинг тилдаги ифодаси бўлган лугавий бирлик - сўз уртасидаги ўзаро мослик англашилади.Энг аввало, нутқда синонимларга муносабат масаласини олайлик. Хар бир тилнинг, жумладан, Ўзбек тилининг синонимик имкониятлари жуда кенг. Гап факат унинг маънони ифода этиш нуктаи назаридан энг мақсадга мувофигини топиб ишлатишда.Синонимик катордаги сўзларни фарклмасдан ишлатиш каби ҳолатга айрим мисоллар келтирамиз: салкин ва совук сўзлари фаркланмайди: Ошхона ва кондитер маҳсулотлари, ярим фабрикатлар, шарбат ва турли ҳил салкин ичимликлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш чоралари қурилди. (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”); кейинги, охириги, сўнгги сўзларни фарклмаслик: Охириги йилларда бу масалага янада жиддийроқ эътибор бермоқдамиз (радиодан) ва ҳоказо.

Охириги, сўнгги лексикалари, охириги сўз, сўнгги сўз бирикмаларида бир-бирларида синоним бўлсаҳам охириги йилларда бирикмасида у сўнгги сўзига синоним бўла олмайди.Эътиборингизни қаратишимиз лозим бўлган иккинчи масала, бир қараганда гуё бир-бирига яқиндай қуриган, аммо маънода фаркланадиган сўз ва бирикмаларни нотўғриқўллашдир. Масалан, катта ва узун, қадам қуймоқ ва қадам ташламоқ жуфтларини олайлик: Буйи мендан каттароқ; ўзи сап-сарик (У.Ҳошимов). Узун-қискалик ва катта-қичиклик икки ҳил улчовдир. Бирида икки нукта орасидаги масофа; иккинчисида ҳажм улчанади. Шунинг учун буйни катта деб бўлмайди. Балки баланд ёки паст дейиш мумкин. Яна: Мустақил ҳаётга қадам ташлаётган ёшларимиз ЗАГСдан утгандан кейин уруш қаҳрамонларининг хотираси абадийлашган ёдгорлик пойига ҳурмат-эҳтиром билан гулчамбарлар қўядилар (“Шарқ тонги”). Ўқиганда маънодаги нозиклик гуё сезилмаётгандек

туюлса ҳам, бу уринда кадам куймоқ иборасини қўллаш мақсадга мувофик булар эди.

Чунки кадам куймоқда ҳаракатни энди бошлаш маъноси мавжуд, кадам ташламоқ эса ҳаракатдаги бу чегарани курсата олмайди. Мана бу: Мени янги ишга йургақлаган ҳамкишлокларим, шунингдек, устоз Маърифат Рафиевалар фойдали маслаҳат ва амалий ёрдамларини мендан аямай, касбни узлаштириб олгунимча мададкор бўлиб турдилар. Мисолдаги йургақламоқсўзи умуман нотўғри қўлланилган. У ургатмоқ, жалб килмоқ маъноларини бера олмайди, ишга йургақламоқ деб ибора тўзиб ҳам булмайди.

Учинчидан, сўзларнинг куп маънолилик имкониятларидан кенг фойдаланиб, турли уринларда улардан ҳар қил маъно оттенкаларини беришга буйсундириш ҳамнутқда аниқликка хизмат қилади.

Сўзлардаги куп маънолиликни пайкамаслик фикрнинг ноаниқ, баъзан нотўғри ифодаланишга олиб келиши мумкин. Шаҳар билан кишлоқ уртасидаги тафовут тобора кискараётир. (“Гулистон”, ж). Чунки бу сўз одатда узунлик, микдор ва ҳажмнинг конкрет улчовига алоқадордир. Тафовут эса абстракт тушунча бўлиб, унга нисбатан камаймоқсўзини қўллаш маъкулдир. Аниқликни вазифавий услублар доирасида тушуниш ҳамўзига хос. У сўзлашув услубида вазиятга боғлиқ бўлади. Расмий иш коғозлари стилида эса аниқлик тилдаги тайёр, колипсиз иборалардан фойдаланишни тақозо қилади. Илмий услубда атама ва унинг ифодаланиш аниқлиги асосий уринда туради. Публицистик ва бадиий нутқ услубида эса сўз ва иборалар факатгина бадиий-эстетик вазифани бажаришдан ташқари ёзувчининг маслағи ва гоёвий мақсадига мос келиши ва шунга хизмат қилиши керак. Ана шу сабабларга кура сўзқўллаш аниқлигининг чегарасини белгилаш нихоятда мураккаб иш бўлиб, у аввало Ўзбек тилини яхши, мукаммал билишни ва унинг ижтимоий воқеликдаги қўлланиш доирасини яхши урганишни тақозо қилади.

Нутқнинг мантиқийлиги унинг асосий сифатлари - тўғрилиқ ва аниқлик билан ҳамбарчас боғлангандир. Чунки грамматик жихатдан тўғри тўзилмаган нутқ ҳам, фикрни ифодалаш учун мувоффақиятсиз танланган лугавий бирлик ҳам мантиқнинг бўзилишига олиб боради. Мантиқий изчилликнинг бўзилиши тингловчи ва ўқувчига ифодаланаётган фикрнинг тулик бориб етмаслигига, баъзан умуман англашилмаслигига олиб келиши мумкин. Нутқни тўзишда эътиборсизлик натижасида мантиқсизлик юз беради. Қуйидаги мисолда: “Ферма жонкуярлари олти ойлик давлатга сут сотиш планларини муддатдан олдин бажардилар”. Гапда сўзларнинг тартиби тўғри бўлмаганлиги, “Олти ойлик” бирикмасининг “сотиш” сўзидан кейин келмаганлиги туфайли мантиққа путур етляпти, хатто хато фикр юритилмоқда.

Услубий нормага амал қилиш, биринчи навбатда бирикмалар уртасидаги грамматик алокани тўғри шакллантиришдир.

Қуйидаги мисолда: Энди қуй ва рақслар тинглаб, дам олинг (“Телевидениедан”). Қуй тинглаш мумкин, аммо рақсни тинглаб бўладими? Қуй ва рақс сўзларининг диктор томонидан автоматик тарзда уйғунлаштирилиши ва мантиқийликнинг бўзилишига олиб борган. Ҳаммомда катик ва шиша идишлар истеъмол қилиш маън этилади (“Муштум”) мисолида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Яна бир мисолга эътибор берайлик: Суратга олинган ақула курукликдаги сут эмизувчиларга ухшаб, тухум қуймайди, балки тирик бола тугади (“Фан ва турмуш”). Шу ҳолатда гапдан курукликдаги сут эмизувчиларга ухшаб, улик бола тугар экан, деган ҳулоса чиқаришимиз мумкин. Муаллиф эса асло бундай демоқчи эмас. Шундай экан, гап “Суратга олинган ақула тухум қуймайди, балки курукликдаги сут эмизувчиларга ухшаб тирик бола тугади.” тарзида тузилганда мақсадга мувофиқ булар эди. Ташаббусқор район меҳнаткашлари “ички резервларни ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга сафарбар этмоқдалар” мисолида

хамсўзтартибининг нотўғрилиги окибатида мантиққа халал етган. Ташаббускорлик меҳнаткашларга тегишли бўлиши керак эди. Нутқнинг мантиқ талабига мувофик гаплар уртасида ҳам изчиллик бўлиши, уларнинг бирида баён этилган фикр иккинчисида давом эттирилиши керак. Гаплар уртасида фикрий изчиллик йуқолиши билан мантиқийликка путур этади.

Тушунча мантиқийлиги алоҳида олинган матнда фикрий кетма-кетлик, мантиқий изчиллик бўлишини такозо қилади. Аммо бу талабни нутқий жараённинг ҳамма кўринишларида ҳам уртага қуйиб бўлмайди. Маслан, вазилавийлик услубларда, хусусан илмий ва бадиий нутқ услубларда бу талабга қандай амал қилинишини олиб қурайлик. Илмий услубда ёзилган асарлар яхлит бир тузилишига эга. Унда кириш, асосийқисм ва хулоса мавжуд бўлиб, улар ягона бир халкага бирлашади. Бадиий нутқтузилиши эса бир оз бошқача. Айтайлик, фикрлар бир маромда баён этиб келинди-ю, бирданига ўзилиш юз беради ва энди бошқавоқеалар хикоя қилиниб кетилади.

Бу нарсга гуё мантиқий изчилликка путур етказгандай қуринса-да, аслида ундай эмас. Бадиий асарларда, хусусан кисса, роман каби жанрлардаги кенг режалилик тасвир қурилишини ана шундай тўзишни такозо қилади. Мантиққа путур етмаганлиги бундай асарларнинг охирида маълум бўлади.

Хулоса

Кишининг одоби, энг аввало, унинг нуткида куринади. Нутқ одоби нима? Нутқ одоби деганда айтилиши зарур бўлган хабарларни, тингловчини ҳурмат қилганҳолда, унинг кунглига мос, адабий нормадаги ифодалар билан етказиш тушунилади. Хар қандай хунук хабарни ҳам тингловчига беозор етказиш мумкин. Бунинг учун сўзловчи тилни, адабий тил нормаларини мукамал билиши лозим. Мулойим, ёкимли, одобли сўзлаш ҳам уз-ўзидан пайдо булмайди. Унга ёшликдан онгли машқлар қилиш, тилнинг лугат бойлигини эгаллаш, бу борада нутқни ибратли кишиларга тақлид қилиш, улардан урганиш оркали эришилади. Ўқувчи учун энг яхши намуна уқитувчи нутқидир. Буни уқитувчи хар доим ўзида ҳис этиб туриши, ўзнутқида ҳеч вақт одоб-ахлоқ, нутқ маданияти нормаларидан чикмаслиги лозим. Нутқий муомала саломлашишдан бошланади. Саломлашишдаги хушмуомалалик ундан кейинги яхши суҳбатга дебоча бўлади, тингловчига яхши кайфият пайдо қилади. Агар саломлашиш курук, илтифотсиз бўлса, кейинги суҳбатга салбий таъсир этиши мумкин. Куп асрлик одатий анъаналаримизга кура, “Ассалому алайкум”нинг жавоби “Ваалайкум ассалом”дан иборат. Кейинги даврларда ёшлар орасида салом ҳам, алик ҳам тумтоклашиб кетди, яъни салом бериш учун ҳам, унинг жавоби учун ҳам биргина “Салом” ишлатиладиган булди. Бу тарихий анъаналаримиздан четлашишдир.

Халк тилида саломлашиш учун ҳам, хайрлашиш учун ҳам алохида воситалар мавжуд. Укитувчи уларни ўзурнида ишлатишда ҳамма вақт ўзшогирдлари учун урнадир. Маданиятли киши ўзайбини буйнига ола билиши, айби учун кечирим сурашни ҳам билиши лозим. ўзайби учун кечирим сураш ўзгурурини ерга уриш эмас, балки одоблилик, хушмуомалалик аломатидир. “Кечирасиз мендан утибди” ёки “авф этинг, бундан сўнг такрорламасликка ҳаракат киламан” дейиш билан киши ўзининг одоблилигини намоёниш этади, холос.

Укитувчининг нутқи ҳамма вақт ўзбек адабий тили нормаларига содик қолади, адабий тилнинг гузал ва таъсирчанлигини ўзида сақлайди. Адабий тил маълум қушимчалар, грамматик категорияларнинг қўлланишдаги бир хиллиги, барқарорлиги билан умум ўзбек характерида бўлади ва шевалардан устун туради. Унинг устунлигини бир томондан адабий нормалар белгилайди.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ахмедов А. Нотиклик санъати Т., “Ўзбекистон”, 1967 й.
2. Бегматов С. Нутқ маданияти масалалари Т., “Укитувчи”, 1980 й.
3. Бегматов Э. Нутқ маданияти ва адабий норма Т., “Ўзбекистон”, 1973 й.
4. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умуркулов Б. Ўзбекнутқи маданияти очерклари Т., “Укитувчи”, 1988 й.
5. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти Т., “Фан”, 1983 й.
6. Бегматов Э. Нотикнинг нодир бойлиги Т., “Ўзбекистон”, 1980 й.
7. Бегматов Э. Нутқ маданияти тушунчаси ҳақида, “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1975 й., 5-сон
8. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль Т., “Фан”, 1988 й.
9. Жалилов Х. Нотиклик санъати Т., “Ўзбекистон”, 1976 й.
10. Иброхимов И. Нутқ маданияти ва адабий талаффуз ҳақида Т., “Фан”, 1988
11. Иномхужаев, Хужаева Я. Бадиий сўз санъати Т., “Г.Гулом” нашриёти, 1972 й.

12. Иномхужаев Нотиклик санъати асослари Т., “Укитувчи”, 1982 й.